



АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛАРИ

75



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

CONTEMPRORY PROBLEMS OF LITERATURE CRITICAL STUDIES

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Бахтиёр
Назаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро конференция материаллари*

*Materials of the international conference dedicated to the 75th
anniversary of the scientist of the Republic of Uzbekistan, academician
Bakhtiyor Nazarov*

*Материалы Международной конференции, посвященной
75-летию со дня рождения ученого Республики Узбекистан,
академика Бахтиёра Назарова*

2020 йил 16 – 19 сентябрь, Ўзбекистон
september 16 – 19, 2020.
16 – 19 сентябрь 2020 г.

«ТАФАККУР» НАШРЊТИ
ТОШКЕНТ – 2020

КВК: 83.3я43
УО'К: 821.09(062)
Ҳ 20

Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари [Матн] / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳакимов ва бошқ. – Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2020. – 764 бет.

Тўпلامдан халқаро конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда филология илмининг турли соҳаларига оид илмий кузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассислар га мўлжалланган.

Тўплаб иашрга тайёрловчилар:

кич.и.х. М.Ҳакимов, таянч докторант Т.Нажмиддинов

Таҳрир ҳайъати:

ф.ф.д., проф. Қ.Қахрамонов; ф.ф.д. Ш.Турдимов; ф.ф.д. С.Тўлаганова;
ф.ф.д. З.Мирзаева; ф.ф.д. М.Асадов; ф.ф.н. Сувон Мели; ф.ф.н. Э.Очилов;
ф.ф.н. Г.Сатторова; ф.ф.н. М.Кўчқорова; кич.и.х. М.Ҳакимов

Тақризчилар:

ф.ф.д. И.Ёкубов, ф.ф.д. Ж.Эшонқулов

Мазкур илмий тўпلام ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгаши қарори (2020 йил 15 июль, 3-сонли йиғилиш баённомаси)га асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-24-363-7

© Муиисжои Ҳакимов, 2020
© “Tafakkur” иашриёти, 2020

дир ўхшаш ришталарни кўради. Натижада, у Шайх ҳақида ажойиб сценарий ёзади.

Фарҳод Рамазон ёзган сценарий айнан “Шайх Санъон” ҳақида эди. Бу сценарий “Ишқ исёни” деб аталар эди. Роман сюжети шу киносценарийнинг Европа мамлакатларидаги катта кинокомпаниядаги режиссёрларга маъқул келганлиги ҳақидаги интернет хат, хушxabар билан бошланади. Яна бир нарсани шу ўринда айтишни истар эдик, “Шовқин” романи инглиз, француз тилларига таржима этилди. Инглизча таржима Лондонда қайта нашр этилди. Ўшанда муаллиф роман номини “Осий Шайх Санъон ворислари” номи остида чоп эттиради. Ёзувчи бежиз роман сарлавҳасини ўзгартириб нашр этмаган. Энг муҳими, асар хорижий тилга ўгирилганда роман сарлавҳасини ўзгартириш роман бадииятига, романнинг умумий бадиий ғоясига мутлақо соя ташламаган.

“Шайх Санъон қиссаси”нинг “Шовқин” романи қаҳрамони Фарҳод Рамазон ҳаётига, қолаверса, бутун башарият ҳаётига нақадар параллел рамзий метафора эканини англаб етдик, назаримизда. Қолаверса, “Шовқин” романи бадиий композициясида “Шайх Санъон қиссаси” улкан бадиий қимматга эгаллигини кейинги тадқиқотларимизда янада чуқур таҳлил этамиз.

Эркин Аъзам “Шовқин” романи структурасида “Шайх Санъон қиссаси” сюжети, образлари ва қисса билан боғлиқ деталлар, воқеаларга бадиий ишоралар бериш орқали Инсоннинг доим Гуноҳкор банда эканлигига уруғу беради.

Маҳмадиёр АСАДОВ,

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти
(Ўзбекистон)*

АЛЬБЕР КАМЮНИНГ “БЕГОНА” ҚИССАСИДА АБСУРД ҚАҲРАМОН МУАММОСИ

Аннотация. Мазкур мақолада адабиётшунослик илмининг муҳим тармоқларидан бўлган ва XX аср бошларида Ғарб мамлакатлари адабиётида инсоннинг моҳиятини чуқур ўрганишга киришган, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги хулосалар берадиган абсурд тамойиллари ҳақида сўз боради. Абсурд адабий оқимининг етакчиси саналган Альбер Камюнинг адабий-эстетик қарашлари

билан яратган асарлари, хусусан “Бегона” асари ўртасидаги алоқадорликнинг илмий-назарий асослари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: абсурд, абсурд қаҳрамон, маънисиз, умидсизлик, исён, бегоналашув, руҳий олам, жамият, инсон, ҳаёт, яшаш маъноси, ўлим.

Нобел мукофоти совриндори Альбер Камю ёзувчи сифатида жаҳон адабиёти тараққиётида юксак чўққиларни забт эта олган. Ўзининг ижодий фаолияти давомида Камю дунёни олдиндан айтиб бўлмайдиган ва абсурд бўлган воқеаларини тасвирлаб беради. Унинг қаҳрамонлари мураккаб ва ўқувчиларга уларнинг абсурд, бахтсиз ва бахтли кечинмаларини тушуниш қийин бўлиши мумкин. Камюнинг асарларида қаҳрамонларнинг бахтсиз ва фожиали қисматини кўриш қийин эмасдир. Аммо, Камюнинг бахтсизлик “битта” деган шарҳини тушуниш жуда мушкул. Ўзини енгиш воситаси, бу фожиали тарзда ўзини ўзгартиришдир. Агар асар нафақат фожиали воқеани тасвирлабгина қолмай, балки Камю исёни ҳақида гувоҳлик берса, унда бахтсиз дунёда бахт ҳам сезилиши керак эди, деган камюча фалсафа мисолини кўришимиз мумкин.

Камю аксарият асарларида дунёни одамлар учун тушунарсиз ва абсурд деб тасвирлайди. Унинг романларида қаҳрамонлар кўпинча азобланишади ва тушунтиришсиз ўлишади. Бироқ, уларнинг мавжудлиги абсурд ва бахтсизликка дуч келганда баъзан азоб-уқубатларга қарши исён қилишга қарор қиладилар. Камю қаҳрамонлари умидсиз бўлиб кўринсалар-да, бахт топишга муваффақ бўладилар. Камю дунёсидаги бахтсизлик, исён ва бахт ўртасидаги парадоксал муносабатни тушунтиришдан олдин, Камю фалсафасининг “ҳаёт нега абсурд?” деган асосий саволига жавоб излашга тўғри келади: Камюнинг фалсафий асари бўлмиш “Сизиф ҳақида афсона” (“Le Mythe de Sisyphe”, 1942) эссесида биз инсоннинг абсурд тажрибасини очиб берадиган изохни топамиз. Унда инсон ҳаёти гоҳ гуркураб яшнаши ва гоҳ эса аксинча эканлиги маҳорат билан тасвирланади. Натижада, дунё ғалати ва тушунарсиз бўлиб кетаётганини ҳис қилган киши, ўзининг мавжудлигини тушунишга бўлган эҳтиёжи томон силжий бошлайди.

Япониялик профессор Хироки Тура ўз тадқиқотларидан бирида “Камю қаҳрамонлари умидсиз ва бахтсиз вазиятларда ўзларининг бахтларини топадилар”³³⁰, деган хулосага келади. Х.Тура сингари, биз ҳам кузатишларимиз натижасида Камю қаҳрамон-

³³⁰ Hiroki Toura. La Quête et les expressions du bonheur dans l'œuvre d'Albert Camus. 2004, -p.11.

ларини бахтсиз дунё билан кутилганидан бошқача муносабатда бўлишларининг гувоҳи бўламиз. Ўзлари ва дунё ўртасидаги можаро учун умидсизликка учраган ҳолатларда, Камю қаҳрамонлари кўпинча кутилмаган ва ҳайратланарли танловлар қилишади. Бироқ, биз унинг ижодида дунёдан маъно излаш ва бахт топиш истаги бўлган умумий мавзунини кўрмоқдамиз. Инсон ҳаётда қандай яшашни билади, бироқ нима учун яшаётганини, мавжудлигининг муддаосини англаши қийин кечади, баъзан эса билмай ўтади. Камюнинг фикрича, одамлар учун “ҳаётнинг маъноси саволларнинг энг муҳимидир”³³¹, яъни инсон ўзига ва ўз жамиятига қарама-қаршиликка олиб келадиган характернинг ўзига хос хатти-ҳаракатларини тушунтиради. Биз ушбу қарама-қаршиликни адибнинг “Бегона” (“L’Étranger”, 1942) асарида кўришимиз мумкин. Унда бош қаҳрамон, жамиятнинг қоидаларини ҳурмат қилмайдиган қотил ва ўлимга маҳкум қилинган одам Мерсодир. Ўз камерасида ётган ҳолда, у ўтган ҳаётини эслашни ва ҳис-туйғулари ҳақида ўйлашни бошлайди. У биринчи марта “дунёнинг сокин хотиржамлигига”³³² бағрини очади. Умидсиз мавжудотга дуч келганида, у ўзини бахтли эканлигини ва ҳанузгача мавжуд эканлигини англайди.

Камю беҳуда нарсаларга айланиб кетадиган баъзи воқеаларни эслайди ва кейин одамни кундалик ҳаётдан чалғитади, масалан, ўттиз ёшга кирган, келажакка интилаётган бир йигит ўзи учун вазият яратиб, вақт оқимида зарбани бошдан кечирмоқда, мақсад уни қаршиликсиз, охиригача етказиш. У ўз ҳаётини қурмоқчи бўлган эртанги кун энди унга аста-секин ўлимни уфқда кўрсата бошлайди. Бу шунингдек, дунёнинг нотанишлиги билан ўраб олинган саёҳатчининг тажрибаси билан боғлиқ бўлиб, бу энди унга таниш муҳит сифатида эмас, балки ўзгача, ғайриинсоний воқелик сифатида киради. Шундай қилиб, Камю абсурднинг энг мукамал усули ҳисобланган воқеага қайтади: яқин кишининг ўлими. У бир томондан, ҳаётнинг охири борлигига ишонч ҳосил қилса, бошқа томондан эса дунёнинг ғайриоддий кўриниши билан, ўлик тана шаклига киради – “у энди ҳаракатсиз жисм бўлиб, у тўсатдан ғойиб бўлганларнинг руҳи борлигини тасдиқлайди”³³³. Ушбу турли воқеаларнинг умумий хусусияти шундан иборатки,

³³¹ Albert Camus. *Le Mythe de Sisyphe*. – Paris: Gallimard, 1942. –p.18.

³³² Camus. *L’Étranger*. – Paris: Éditions Gallimard, 1957. –p.186.

³³³ Albert Camus. *Le Mythe de Sisyphe*. – Paris: Gallimard, Coll. Folio-Essais, 2013 (1942). –p.30.

улар ҳар сафар одам, унинг ҳаёти ва дунё ўртасидаги тафовутни яратганда, “нима учун” деган тушунча пайдо бўлади: кундалик ҳаёт прагматик маънога эга бўлса-да, бу ҳодисалар уни бундан маҳрум қилади. Абсурд тажрибаси шунчаки кундалик ҳаётнинг ташкиллаштирилган дунёсидан четлашишни англатади, ўзига ва дунёга бегона бўлган инсон нима учун яшаётгани билан қизиқади; у фақат битта ўз ишончига ва тақдири эга.

“Бегона” романи ўқувчини атрофидаги ҳамма нарсага бепарқ бўлган бир хислат ҳақидаги ҳикояни очиб беради. Унда ўзини яхши кўрадиган, ўзини содда одам деб биладиган Мерсо барча ижтимоий ҳодисаларни эътиборсиз қолдиради ва ўзининг абсурд реакцияларига (ўзи учун яшашга) эркинлик беради. Арабга қарата узилган тўртта ўқни инобатга олсак, Мерсо қамокдаги ҳаётни синаб кўради; муқаррар ҳукми кутиш жараёнида норозилик ва маҳрумлик палласи акс этади.

Камю қаҳрамонининг асосий муаммоси иккита қутбда, яъни бегоналашиш (ўзини яккалаш) ва ижтимоий бирлашиш эканлигида кўринади. Биринчи қутбда, тушунарсиз ва ғалати дунёда ёлғизлик ҳисси Мерсо образи талқинида ажойиб тасвирланади. У ўзгалардан, жамиятнинг ижтимоий қоидаларидан, инсоний қалбдан бегоналашган. Арабни ўлдиргунча ва дунёнинг абсурдлигини кашф этгунга қадар, бу абсурд қаҳрамон ташвиш ва азобларсиз яшаш учун ўзгалардан, ўз яқинларидан узоқлашишга ҳаракат қилган ва ўзини бахтга эришгандек тутган, унинг назарида бошқалар унинг бахтига фақат тўсқинлик қиладигандек туюлади. Мерсода биз маълум бир бепарволик, ўта пассивлик ёки лоқайдлик ва бефаҳмлик ҳолати билан боғлиқ бўлган шахсни кўрамиз. Иккинчи қутбда эса, Мерсо эски таниши Мари билан ишқий муносабат боғлайди ва қўшниси Раймон билан дўстликни давом эттиради. Асарнинг сўнгги қисмида Мерсо қотилликдан сўнг ҳибсга олингани ва бошқалар билан бўлган муносабатлари ҳақида ўйлашни бошлаганида, ўзини яккалаш зарурати йўқлиги ҳақида ўйлаб қолади: *“Узоқ вақтдан бери, мана, биринчи марта онам ҳақида ўйладим”*³³⁴. *Шунингдек, умрининг энг сўнгги дамларида, ўз қатлини қутаётган фурсатда унда яшашга умид пайдо бўлади: “Мана, мен ҳам яна бошдан яшашга тайёр турибман.”*³³⁵

Ҳикоя ўртача аудитория учун оддий бўлиб туюлиши мумкин, аммо катта аудитория учун Мерсо ҳикояси бу тор талқиндан

³³⁴ Camus. L'Étranger. – Paris: Éditions Gallimard, 1957. –p.185.

³³⁵ Camus. L'Étranger. – Paris: Éditions Gallimard, 1957. –p.186.

ҳоли. Аслида Мерсо XX аср фуқаросининг қиёфаси бўлиб, у дунёнинг абсурдлигига жавобан, унинг хатти-ҳаракатларида мураккаблик, ғалатилик ва ғайриоддийлик бор. Албатта, Мерсо онасининг ўлими учун мотам тутмади, ammo Мерсонинг ҳукми бошқа ўлчовни олади. Дарҳақиқат, унга нисбатан ўқилган ҳукм содир этилган қотиллик учун эмас, балки онасининг ўлимига мотам тутмаслиги, жамиятдаги ижтимоий қоидаларга итоат қилмаслиги ва афв сўрамагани учун бўлади, яъни бу силлиқ йўлда ҳам йўналишини топа олмайдиган “соғлом” жамиятнинг абсурдлигини таъкидлайди. Мерсонинг исёни – бу идеология ва маданият томонидан камситилган хислатидир.

Хулоса қилиб айтганда, “Бегона” асари инсон ва унинг олами ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни босқичма-босқич очиб беради. Бунда индивидуал абсурдлик бошқа нарсалар қаторида воқеликнинг, шунингдек, дунёнинг абсурд нарсаларига қарши курашнинг бир усули ҳисобланади.

Шоҳжаҳон РАШИДОВ,

*ЎзФА Тарих институти таянч докторанти
(Ўзбекистон)*

XX АСР 50-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ АДАБИЁТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Аниотация: Мазкур мақолада муаллиф томонидан XX аср 50-йилларида Ўзбекистон раҳбарлари томонидан адабиёт ривожига қаратилган эътибор, уларнинг бу борадаги шахсий ташаббуслари хусусида фикр юритилади. Тадқиқотчи томонидан Нуриддин Муҳитдинов, Шароф Рашидов каби давлат арбобларининг Ўзбекистонда фан, адабиёт соҳалари ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси, адиблар, ёзувчилар, зиёлилар, қатағон, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя”.

Ўзбекистонда 1950-йилларда фан, таълим, маданият соҳаларида муайян ижобий ўзгаришлар кузатилди. Шу жумладан, адабий муҳитнинг жонлангани, адабиётшунослик фанининг янада ривожлангани қайд этилди. Бунинг асосий сабабларидан бири, республиканинг ўша вақтдаги биринчи раҳбарлари, хусусан, Ну-

МУНДАРИЖА

Умр ибрати (Низомиддин Маҳмудов) 3

АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ – ФАН ФИДОЙИСИ

Наим Каримов. Олим бўлиш бахти ва машаққати	7
Тўра Мирзаев. Атоқли олим, йирик фан ташкилотчиси	13
Каримбой Қурамбоев. Қорақалноқ адабиётининг ҳам моҳир тадқиқотчиси	17
Almaz Ülvi Binnatova. Azərbaycan elmi ictimaiyyətinin yaxın dostu Akademik Vəxtiyar Nəzərov	22
Сайди Умиров. Эътирофларга қўшимча қилмоқчийдим	26
Қурдош Қахрамоиов. Миллий жозоба талқини.....	32
Шоира Ахмедова. Танқидчи маҳорати хусусидаги изланишлар.....	37
Абдуҳамид Холмуродов. Бадий тафаккурнинг теран таҳлили.....	42
Саодат Султоисаидова. Оламни забт этган олим	47
Ғайрат Муродов. Бир мақола таҳлили ёки Абдулла Қаҳҳорга эҳтиром.....	52
Исломжон Ёқубов. Бахтиёр Назаров илмий услубининг айрим қирралари	56
Дилрабо Қувватова, Нафосат Ўроқова. Академик шоир ижоди улкан мунаққид нигоҳида.....	60
Бойиазар Йўлдошев. Мунаққид феномени ва ижодий индивидуаллик	65
Зулҳумор Мирзаева. Тафаккур сарҳадлари.....	71
Исҳоқҳои Носиров. Етук мунаққид	77
Махсума Деҳқонова. Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари Бахтиёр Назаров талқинида	82

МУМТОЗ АДАБИЁТГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Абдусалом Абдуқодиров. Ҳамза назмида анъанавий ва янги талқинлар	87
Низомидди Муроиди. Персидско-таджикские литературные традиции в Восточном Туркестане.....	93

Мақсуд Асадов. Номалардаги яна бир ўзига хослик хусусида.....	97
Könül Naciyeva. Əmir Eeymur və oğlu Şahrux XV əsr azərbaycan şairinin şeirlərində.....	103
Гулсанам Холиқулова. Бобур издошлари ва ғазал жанри тараққиёти	107
Мавлонберди Суюнов. Алишер Навоийнинг Ҳофиз Шерозий ижодига муносабати.....	111
Зебо Қобилова. Ташбеҳу тимсоллар уйғунлиги.....	118
Маърифат Ражабова. Навоий ижодида мифологик образлар	123
Юнус Азнмов. Навоий (Фоний) шеър ва шоирлик хусусида.....	127
Эргаш Очилов. Муқимий шоҳбайтлари	133
Буробия Раджабова. «Бобурнома»да темурийлар ренессанси ва давлат арбоблари тасвири	142
Днлшод Ғайипов. Огаҳий шеъриятида муқайяд қофия	157
Тоҳир Хўжаев. Навоий “Наводир уш-шабоб”идаги айрим байтларнинг ҳаётий моҳияти.....	163
Равшан Усанов, Мунира Болтаева. Концепция ненасилия персидско-таджикских мыслителей	166
Зилола Амонова. Навоий ижодида «алиф» ҳайратлари	170
Бадиа Муҳитдинова. Сайидахмад Васлий Самарқандийнинг сиёсий ва ижтимоий масалаларга муносабати	174
Хуснигул Жўраева. Хусайн Бойқаро замондошлари талқинида.....	180
Мутабар Шарипова. Рифмованная проза «мусаджаъ» и стилистические особенности «муноджотнаме» Хаджа Абдуллаха Ансори.....	185
Nazmiya Muxitdinova. Nodira she'riyatida tasavvufiy ma'nolar	190
Ўктамали Сатторов. Рудакийнинг пандноманавислик маҳорати	194
Шабнам Юсуфзода. “Муҳокамат ул-луғатайн”да “Девони Фоний” шарҳи.....	200
Элмира Ҳазратқулова. «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»да ҳажвиёт	205
Мунира Худоёрова. Навоий қитъаларида талмеҳ санъати...213	
Dilorom Muminova. Noma janrining shakllanish jarayoni	218

Муқаддас Саидакбарова. Навоийнинг ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлари	221
Муннра Шаринава. Наср ва назм уйғунлиги	226
Эъзозхон Қобнлова, Намуна Турсунова. Муқимий ва Амирий.....	230

БУГУНГИ НАСРИМИЗ УФҚЛАРИ

Жаббор Эшонқулов. Эпос ва роман.....	234
Шоҳсанам Давронова. Мустақиллик даври ўзбек романчилигида адабий анъаналари синтези.....	243
Хуршида Хамракулова. Истиқлол даври қиссаларида уруш мавзусининг ифодаланиши.....	247
Умурзоқ Ўлжабоев. Трилогиянинг яратилиши	253
Гулноз Сатторова. Насримиз умидлари.....	260
Марҳабо Қўчқорова. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссачилигида метафора ва тимсолли ишоралар	264
Феруза Бурханова. Ёзувчи ҳикояларида давр руҳи ва маънавий олам талқини	277
Барно Ҳасанова. Ҳикояда давр ва қаҳрамон трагизми	283
Алимурад Тожиев. Адабий синтез ва тасвир маҳорати.....	288
Абдунаби Тўйчиев. Нурали Қобул ижодида эна ва бола образи	295
Айимхои Эшнязова. Ўткан кунлар эртаги.....	299
Барно Бўронова. Тарихий ҳақиқатнинг бадий талқини	304
Нигора Холматова. “Шайх Санъон қиссаси” бугунги ўзбек насрида рамзий метафора сифатида	309
Маҳмадиёр Асадов. Альбер Камюнинг “Бегона” қиссасида абсурд қаҳрамон муаммоси.....	313
Шоҳжаҳон Рашидов. XX аср 50-йилларида Ўзбекистон раҳбариятининг адабиёт ривожига қўшган ҳиссаси	317
Фарҳод Низомов. Қисса жанрида характерлараро зиддиятнинг ифодаланиши	320
Анвар Алламбергенов. “Кўҳна дунё” романида Абу Райҳон Беруний образи талқинига доир	326
Gulnoza Teshayeva. “Bobur – yo’lbars” asarida Bobur qiyofasiga chizgilar	329
Барчин Шукурова. Ҳикоя finali ёхуд “портлаш эффекти”	332

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

CONTEMPRORY PROBLEMS OF LITERATURE CRITICAL STUDIES

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

МУҲАРРИР: О. ЖУМАБОЕВ
ТЕХНИК МУҲАРРИР: О. МУХТОРОВ
САҲИФАЛОВЧИ: Ҳ. САФАРАЛИЕВ
ДИЗАЙНЕР: А. ФАРМОНОВ

Оригинал макет «ТАФАККУР» нашриётида тайёрланди.

Нашриёт лицензияси А1 № 231. 16.11.12.

Босишга рухсат 04.09.2020 да берилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

«Cambria» гарнитураси. 48 босма табоқ.

Адади 500 нусха.

«ТАФАККУР» нашриёти

Тошкент тумани, Қизғалдоқ, Бунёдкор МФЙ,

Кўл 17-тор кўча, 9-уй.

Email: tafakkurmaktub@mail.ru

Тел: (71) 244-75-88, (94) 664-40-03.

«ADAD PLUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.